

Юртимизда «Ҳидоят сари» илмий-маърифий онлайн телеканали ташкил этилди



19:32 / 07.07.2021 2134

МТРК архив фондида диний илмий экспертизадан ўтган, турли талқинга ўрин бермайдиган даражада ишончли маълумотларга асосланган диний-тасаввуфий, илмий-маърифий, исломшунослик ва тарих, аجدодлар мероси каби туркум теледастурлар, алломалар ҳақида ҳужжатли фильмлар, уламо ва имом-хатибларимизнинг маърифий суҳбатлари, шунингдек, ҳадису ривоятлар асосида тайёрланган махсус фильмлар, теленовелла ва ижтимоий телероликларнинг сон жиҳатдан салмоқли базаси мавжуд. Бу ҳақда МТРК раҳбари Алишер Хаджаев ўзининг facebook даги саҳифаси орқали маълум қилди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ОТТ платформасида ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва

миллий қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, шунингдек, ёшларнинг маданий-маърифий, диний билимларини оширишдан иборат бўлган «Ҳидоят сари» илмий-маърифий виртуал (онлайн) телеканалини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Теледастурларни интернет орқали кузатиб бориш имконини берувчи, туну кун ишлайдиган «Ҳидоят сари» илмий-маърифий виртуал (онлайн) телеканалда Ўзбекистон МТРК тизимида ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тегишли илмий, диний экспертизалардан ўтказилган, эфирга узатилган ва бугунги кунда МТРК Архив Фондида сақланаётган қуйидаги телемаҳсулотлар ўрин олади:

— Мамлакатимизда Ислом маданияти, илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни обод этиш, муқаддас динимиз мусаффолигини асраш, аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларимизга ҳурмат ҳамда турли миллат ва эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенглик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар кенг тарғиб этилган теледастурлар;

— Халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари билан аҳолини яқиндан таништириб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чуқур фалсафий ва ибратга йўғрилган илмий-оммабоп ва бадиий кўрсатувлар;

— Бугунги глобаллашув даврида инсоният ҳаётига хавф солаётган муаммолар ҳамда оилавий, одоб-ахлоқ ва ёш авлод тарбиясининг долзарб масалалар юзасидан дин соҳаси вакиллари, мутахассис ва олимлари билан баҳс-мунозара ва мулоқотлар, давра суҳбатлари;

— Аҳоли, хусусан ёшларни ғаразли кучлар ва оқимларнинг таъсиридан асраш, терроризм ва экстремизм ғояларининг асл мақсадларини фош этиш, ҳар хил оқимлардан, шу жумладан, «оммавий маданият»нинг зарарли иллатларидан ҳимоя этишга йўналтирилган махсус кўрсатув ва роликлар.

Ўзбекистон МТРК ОТТ платформасини мамлакатимиз ва ер юзининг исталган нуқтасидан туриб кузатиб бориш имконияти янада ортгани, платформанинг мухлислари сони кундан-кунга кўпайиб бораётганини

инобатга оладиган бўлсак, ташкил этиладиган «Ҳидоят сари» илмий-маърифий виртуал (онлайн) телеканални юртимизда диний бағрикенглик, буюк аждодларимиз, муқаддас қадамжолар, тарихий обидаларни тарғиб этиш, ёшларимизнинг диний-маърифий билимларини янада оширишда улкан аҳамият касб этади. Ушбу «Ҳидоят сари» илмий-маърифий виртуал (онлайн) телеканални қуйидаги манзилда кузатиб бориш мумкин:

<https://www.uztv.tv/channels/hidoyat-sari>